

YOSHILAR OVOZI

ИННОВАЦИОН ҲОЯЛАРНИ ИЛМ-ҲАН ВА САНОАТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ — ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 май куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Талабалар шаҳарчасига борди. Бу ерда ҳар йили минглаб ёш мутахассис ҳаётга йўланма олади. Жорий йилда Талабалар шаҳарчасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йўл ва йўлақлар ташмириланиб, ёритиш устунлари, ўриндиклар ўрнатилди, 400 ўринли автотураргоҳ қурилди. Худудга кўп йиллик ва мавсумий гуллар, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Бугунги кунда Талабалар шаҳарчасида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Исом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази бинолари, коллеж ва лицейлар, спорт мажмуалари жойлашган. Икки университетда қарийб 25 минг талаба таҳсил олади.

Президентимиз ташаббуси билан шаҳарча худудининг бошланғичда, "Беруний" метро бекати ёнида Беруний майдони барпо этилди. Абу Райхон Берунийнинг Техника университети олдидаги хайкали шу ерга қўчирилиб, атрофи ободонлаштирилди. Булар ўзига хос мажмуа ҳосил қилиб, Талабалар шаҳарчаси илмий салоҳиятининг яна бир рамзи бўлди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда олиб борилган ишларни кўздан кечирди. Аллома хайкалининг Талабалар шаҳарчаси остонасига қўйилиши мамлакатимизда илм-фанга қаратилаётган эътибор рамзи бўлиб, бугунги ёшларда улуг аждодлар билан фахрланиш туйғусини кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентимиз 2017 йил 2 декабрь куни Инновацион ривожланиш вазирлиги биноси қурилиши билан танишиб, мамлакатимизда етакчи соҳа ва тармоқларни ривожлантириш, инновацион ғоя ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берган эди. Бугунги кунда бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлик илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг ис-

тиқболли йўналишларини аниқлаш, хорижий етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ихтисослашган илмий-экспериментал лабораториялар, технопарклар ва бошқа инновацион тузилмалар ташкил этиш, замонавий илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан тизимли чора-тадбирларни кўрмоқда.

Вазирликда иқтисодиёт тармоқларининг инновацион эҳтиёжларини ўрганиш, ёшлар инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш хизматлари, масофавий таълим курслари йўлга қўйилди. Янги ишланма ва технологиялар намойиши, стартап лойиҳалар иқтидорли ёшларда илмий-тадқиқот кўникмаларини шакллантиришда ёрдам беради.

Бионинг биринчи қаватида кутубхона, амфитеатр, холл, кўрғазмалар зали жойлашди. Юқори қаватларда коворкинг ва стартап худудлар, интернет лабораториялар, анжуманлар заллари бўлади. Аэрокосмик лаборатория, устакхона, реклама агентлиги ҳам ташкил этилади.

(Давоми 2-саҳифада).

Prezident tashabbuslari — amalda ЮКСАЛИШНИНГ БЕШТА ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатидан давлат идора ва ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва ота-оналар иштирокида "Очиқ осмон остидаги сержило ранглар" номи тадбир бўлиб ўтди. Тадбир югуриш марафони билан бошланди. Мактаб ҳовлисида истеъдодли ўқувчиларнинг ижодий кўрғазмаси — миниатюра санъати намуналари, митти хайкалчалар, турли буюмлар намойиш этилди. Кино-портрет танлови, спорт мусобақалари уларнинг билим ва салоҳиятини яна бир қарра синовдан ўтказди. Муҳими, ўқувчиларнинг иштиёқи, ўзгаришларга чанқоқлиги барчани мамнун этди.

Учтепада беш муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш ишлари қизгин давом этмоқда.



РИЗАГАРМАТОВ

буслар қанчалик самара бериши, ҳар бирининг мазмунини тўғри англаб, ижросини таъминлашга қанчалик ҳисса қўша олишимизга боғлиқ. Барчамиз ҳамжихатликда иш тутиб, ёшларнинг истақларига жиддий ёндашсак, фарзандларимиз орзумиздаги авлод бўлиб улғаяди.

Тадбирда "Yoshlar ovozi" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари таҳририяти мактаб-интернатга китоблар тўплами ва спорт анжуманларини соғая қилди. Фаол ўқувчи ва ўқувчиларга таҳририятнинг осодлик соғаялари, фахрий ёриқлари топширилди.

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчилари ижро этган куй-қўшиқлар барчага хушқайфият улашди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини билан ҳамкорликда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги

хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидан спорт акцияси ўтказилди. Акцияда Миллий гвардия, "Динамо" жисмоний тарбия-спорт жамияти ҳарбий хизматчилари Музаффар Юсупов, Баҳодир Жалолов, Ўзбекистон бокс федерацияси спортчилари Шаҳрам Ғиёсов ва Муроджон Ахмадалиев иштирокида брифинг ташкил этилди. Чарққўлоп усталари муваффақияти сирлари, ринг психологияси ҳамда тактик ҳаракатларда акциянинг роли мавзуда суҳбатлашди. Боксчиларимиз спорт тўғрисидаги катнаётган ўқувчиларга маҳорат дарслари ўтди.

(Давоми 2-саҳифада).



ГФР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жорий йил 27-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Президентлар давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20-22 январь кунлари Германияга ташрифи давомида бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотни давом эттириб, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини, шунингдек, Ўзбекистон — Европа Иттифоқи формати доирасидаги алоқаларни муҳокама қилди.

Халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф доирасида Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистон ва ГФР етакчи компания ва банклари, жамоатчилик вакиллари билан учрашиши, қатор сановат ва бошқа объектлар билан танишиши кўзда тутилган.

Федерал Президент Хоразм вилоятига ташриф буюриб, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди ҳамда Хива шаҳрининг тарихий ва меъморий обидалари билан танишди.

Ташриф якунида иқтисодиёт, молия, таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА



Eshitdingizmi?

НАМАНГАНДА биринчи ансамбль тузилди



Вилоятда "Мустанкил юрт окшомлари" деб номланган маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Лойиҳа Ёшлар иттифонининг худудий кенгаши томонидан ишлаб чиқилган.

Наманган шаҳрининг "Уч фавора" хибонидан ташкил қилинган мусикий окшомда Ёшлар ансамбли ҳамда ёш хонандалар ижросида куй-қўшиқлар янгради. Викторина ўйинлари, кизикчи ва актёрларнинг сахна кўринишлари йирилганларда кўтаринки қайфият уйғотди.

Президентимизнинг бешта муҳим ташаббусидан келиб чиқиб, республикада биринчи Ёшлар ансамблини тузиш, — дейди Иттифонининг вилоят кенгаши раиси Абдулазиз Мўминов. — Ўйлайманки, мазкур жамоа минглаб йигит-қизларни мусиқа ва санъатга ошно этди олади. Ансамбль вилоятимизнинг олис худудларида ҳам концерт дастурларини намойиш этишини режалаштирган.

Маънавий-маърифий тадбирлар Наманган вилоятининг бошқа туманларида ҳам ўтказилди.

Махфуза ПЎЛАТОВА

Munosabat

ШАРДА ДИПЛОМИ

Ўзбекистонда ҳам, Ҳиндистонда ҳам тан олинади

Болалигимда хорижда ўқиб, етук мутахассис бўлишни орзу қилардим. Аммо чет элда ўқишнинг ўзи бўлмайди. Ахир ўзга юртда, яқинларимдан узоқда яшаш осон эмас. Боз устига, хорижда таълим олишга ҳаммининг ҳам қурби етмайди.



Шундай вақлар туфайли болалик орзуларимдан воз кечдим... Қизғин, бугун мен каби орзуманд ёшлар мусофирчиликда юришига ҳолат қолмади. Юртимизда чет давлатлардаги нуфузли университетларнинг филиаллари очилмоқда. Шундай муассасалар сони яна биттага ортади — Андрижонда Ҳиндистоннинг Sharda Educational Trust университети филиали иш бошлади.

Қувонарлиси, вилоят худудида университет учун шаҳарча қурилади. Бу ерда илмий-тадқиқотлар ўтказилди ҳамда ёш кадрлар амалиёт ўтайдилар. Бир сўз билан айтганда, илм шаҳри бўлади. Университет қошида ўқув бинолари, лаборатория базаси бунёд этилади.

Университет кутубхонаси замонавий методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан бойитилди. Талабалар Шарда университетининг Ҳиндистондаги ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Таълим сифатини яхшилаш учун филиалга хориждан профессор-ўқитувчилар жалб қилинади.

Муассасада дарслар инглиз, ўзбек ва рус тилларида, қундузги шаклда,

тўлов-контракт асосида олиб борилади. Ўқув режа ва дастурлар юртимиздаги давлат таълим стандартлари инобатта олинган ҳолда Шарда университети таълим дастурлари асосида ишлаб чиқилади.

Муассасада электр муҳандислиги, ахборот технологиялари ва кибер-хавфсизлик, компьютер тизимларида хизмат кўрсатиш, электроника, коммуникация инжиниринги, бизнес-менеджмент ва бошқа йўналишларда халқаро стандартлар даражасида малакали мутахассислар тайёрланади.

Таълим ва илмий-техникавий соҳаларда етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан муносабатлар мустаҳкамланади. Натигада бу ерда тайёрланаётган мутахассислар хорижда малака оширади.

Кўпчиликни кизиктираётган муҳим жиҳат — битирувчиларга юртимизда ҳам, Ҳиндистонда ҳам тан олинган диплом берилади.

Таълим даргоҳи 2019-2020 ўқув йилидан талабаларни қабул қила бошлайди.

Дилфуза ЖАМОЛОВА

Sayohat

Қашқадарёлик ўқувчилар САМАРҚАНДДА



Қарши туманидаги 60-умумтаълим мактаби ўқувчилари ер юзининг сайқали, дея эътироф этилган Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирди. Бундан мақсад ёшларнинг тарихий қадимзоқлар билан таништириш, маданий меросимизни асраб-авайлашга қорлаш, мустақил фикрлашга ўргатиш, қалбда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Ёшлар саёҳатини Биринчи Президентимиз Исом Каримов ўқиган мактаб, туғилиб ўсган хонадон, дафн этилган мақбарадан бошлади. Сўнгра Шох Зинда мажмуаси, Хўжа Дониёр, Амир Темур ва Бибиҳоним мақбаралари, Регистон майдонини томоша қилди.

Феруза ХАЙДАРОВА,
Қарши туманидаги
60-мактаб ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРНИ ИЛМ-ФАН ВА САНОАТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Вазирликнинг бежиз Талабалар шаҳарчасига жойлаштирмадик. Бу ердаги олий ўқув юртида минглаб иктидорли ёшлар, тадқиқотчилар, олимлар илмий иш билан машғул. Уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаб, ҳар бир соҳада янгилик яратиш керак. Инновацион ривожланиш вазирлиги бу борада илмий марказ, база бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Вазирлик боғининг дизайни ҳам янги асосда ишлаб чиқилган бўлиб, бу ерга келганлар миниатюраларини инновациялар билан танишиш имконига эга бўлади. Бокка интернет тармоғига эга ўриндиқлар, қўёш панелли ёриткичлар, ҳаво тозалаш устунлари, мобиль ускуналарни қувватловчи қурilmалар ўрнатилди, брусчаткали йўлақлар турна ўзини ўзи ёритади.

Шу ерда вазирлик ва Жараёнларни автоматлаштириш миллий ассоциацияси — NAPA томонидан хоржий марказлар билан ҳамкорликда ташкил этилиши режалаштирилган инновацион технопарк тақдироти бўлиб ўтди.

Ушбу технопаркда ахборот-коммуникация технологияларини ўрганаётган ва бу соҳада ишлаётганлар учун инновацион ғояларини илгари суриш имкониятларини кенгайтириш мақсадида мақбул муҳит ва инфратузилма яратилди.

Янги технологиялар яратиш ва трансфер қилиш учун вазирликка кўмакчи сифатида "NAPA Team" масъулият чекланган жамияти ташкил этилди. Ушбу корхона инновацион ғояларни пишиштириб, уларни стартап маҳсулотга айлантиради ва келгусида мамлакатимиз иктисодиётига йўналиш берилади. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу фаолиятнинг йилга 1 миллион долларлик экспорт даромади кўриш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз инновацион ғоялар ўз ўзидан ишлаб чиқаришга етиб бормаслигини, бунинг учун маблағ, харидор топиш зарурлигини таъкидлади. Хитойнинг "Huawei" компанияси билан ҳамкорликда тажрибадан ўтган инновацияларни жалб этиш, хоржида иш юритаётган салохиятли тадқиқотчиларни қачирин ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича зарур топшириқлар берди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда Президентимиз олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар, мазкур олий таълим даргоҳини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар тақдироти билан танишди.

Кадрлар тайёрлаш соҳалари таркибий тузилиши лойиҳасида ёшларнинг олий ўқув юртига янада кўпроқ камраб олиш бўйича батафсил маълумот берилди. 2018-2019 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртига 96 миң 950 талаба қабул қилинган бўлса, 2019-2020 ўқув йилида 123 миң 170 нафар йигит-қиз ўқиганга жалб этилади. Бу кўрсаткични 2022-2023 ўқув йилида 180 миңга етказиш режалаштирилган.

Олий таълимга инновация инвестицияларини — хоржий таълим-илм технологияларини жалб этиш бора-сида ҳам кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда юртимизда Россиянинг 2, Жанубий Кореянинг 2, Латвиянинг 1 олий таълим муассасаси филиаллари ташкил этилди. Жорий йилда Хиндистоннинг 2, Россиянинг 2 ва АКШнинг 1 олий таълим муассасаси филиали талабаларни қабул қилади. Улардаги таълим жараёнига 832 нафар хоржий мутахассис жалб этилган.

Президентимизга муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш, таълим мазмунини компетенциялар (амалий кўникмалар) асосида тубдан ўзгартириш, педагогик таълимнинг янги моделини жорий этиш, олий таълим муассасалари фаолиятини "Университет — 3.0" концепцияси асосида ташкил этиш, АКТ ва таълим технологиялари интеграциясини таъминлаш лойиҳалари бўйича маълумот берилди.

Бизга сон эмас, сифат керак. Бунга эришиш учун эса хоржий тажрибасини яхшилаб ўрганиш зарур. Қайси давлат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса, ўша ютади. Илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-педагогик фаолияти ва кадрлар тайёрлаш тизимини тақдимоти ҳам ўтказилди. Беш йиллик комплекс дастур ишлаб чиқиб, университет фаолиятини ривожлантириш ва унинг халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Университет хузуридаги лицейни табиий ва аниқ фанларга ихтисослаштириш, етук мутахассисларга эҳтиёж ортиб бораётганини инобатга олиб, янги факультетлар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳақида сўз борди.

Мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадар глобал инновация индексида илгор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш амалга ошириладигани таъкидланди. Бунинг учун, энг аввало, илм-фан соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида "Фан тўғрисида" қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қолаверса, ўтган қисқа давр мобайнида илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Натижада инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қиймати 151 миллиард сўмлик 55 лойиҳани амалга ошириш учун қулай замин яратилди. Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти томонидан замонавий

илм-фан ютуқлари асосида ишлаб чиқилган оддий суперфосфат ҳамда маҳаллий қўлашдан фаворитлаштирилган кўмир олиш технологияси шулар жумласидандир. Ўсимлик моддалари кимёси институтининг "Ферулен" ва "Фланорин" препаратлари, Биоорганик кимё институтида "Рутан" дори воситаси субстанцияси, Яро физикаси институти олимлари томонидан яратилган сувни кимёвий тозалаш ускунаси ҳам бунга яққол мисолдир.

Бу ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида 450 ишланма ва 90 та тармоқ муаммолари ечимларини камраб олган "Буюртмачи-тадқиқотчи-инвестор" махсус портали ишга туширилди, тижорат банклари билан 19 янги стартап корхона ташкил этилган.

Буларнинг барчаси импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришга шaroит яратмоқда. Такрор ва такрор таъкидлаш жоиз: янги фикр ва янги ғояга, инновацияга таянган давлат ҳар доим ютади ва ривожланади. Шунинг учун, биринчидан, импорт ўрнини босадиган ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни қўлайлаштириш керак. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса ушбу ишланмалар маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни қизқитириш ва харидорлиги бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг келаси йилдан илмий муассасаларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш тақлифи олимлар томонидан кизгин қўллаб-қувватланди.

Учрашувда археология соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон археологлари томонидан сўғдий ҳукмдорлар қароргоҳи харобалари бўлган "Қофир-қалъа" ёдгорлигида ёғоч панно — сўғд санъатининг ноёб намунаси, Фарғона vodiysидаги Ахсиқенгта X асрда пишиқ гилтдан туйнел шаклида қурилган ер осми сув таъминоти тизими топилгани юртимиз тарихи нақадар буюк эканидан далolat бериши эътироф этилди. Мутасаддиларга археологияни ривожлантириш бўйича алоҳида давлат дастурини қабул қилиш юзасидан топшириқ берилди.

Термит хашароти асосан целлюлоза, яъни ёғочни кемириб, аҳоли турар жойлари, маданий-тарихий обидалар, стратегик аҳамиятга эга объектлар, бино ва иншоотларга жиддий зарар етказди. Зоология институтига термитларга қарши курашиш бўйича олиб бориладиган изланишларни янада тақдимоти берилди.

Илмувчан олимларни рағбатлантириш мақсадида илмий ишланма яратган тадқиқотчи докторлик ва уни амалиётга татбиқ этган изланувчига таянч докторлик илмий даражасини берадиган бинар (ик-киталик) ҳимоя тизимини жорий қилиш, бюджет маблағлари ҳисобидан стажёр-тадқиқотчилар институтини ҳамда юртимиз биологик хилма-хиллигини ўрганадиган дала-тажриба станциялари ташкил этиш тавсия қилинди.

Кейинги йилларда илм-фан ва

таълим соҳаси ходимлари изчил рағбатлантириб келинмоқда. Илмий ходимларнинг маоши ўтган йил 1 сентябрдан ўртача 25, жорий йил 1 январдан 20 фоиз оширилган эди, 1 июлдан эса яна 25 фоиз кўтариладиган бўлди.

Президентимиз ушбу амалий чораларнинг мантйик давоми сифатида жорий йил 1 сентябрдан барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланаётган, таълим ва илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган фан номзодларининг маошига 30 фоиз, фан докторлари учун эса 60 фоиз устама ҳақи белгилашни тақлиф қилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида ташкил этиладиган Ёшлар академияси ҳам илм-фан вакилларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Ушбу академияга инновацион фикрлайдиган иктидорли талабалар ва 40 ёшгача бўлган олимлар, ташаббускор ёшлар аъзо бўлади. Академияда сунъий интелект, қайта тикланадиган энергия манбалари, робот техникаси ва мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноат дизайни, 3D моделлаштириш каби йўналишларда илмий ишлар олиб борилади.

Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг олий таълим тизимини ислох қилиш, кадрлар тайёрлаш жараёнини янада жадаллаштириш бўйича қарорлари ва "йўл харитаси" тасдиқланган. Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида олий таълим муассасаларининг йирик ишлаб чиқариш корхоналари, давлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий-тадқиқот институти ва марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйилди. Натижада ташкилот ва корхоналарнинг 4 миңдан ортиқ малакали амалиётчи-мутахассислари олий ўқув юртиларининг таълим жараёнига жалб этилган.

Шунингдек, кейинги 2 йил давомидаги халқаро ҳамкорлик натижасида мамлакатимизда янги олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди, 30 дан ортиқ ўқув юртида хоржий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрланадиган бўлди.

Олий таълим тизимини замонавий усуллар ёрдамида самарали бошқариш, соҳада моддий-техник базани кучайтириш, ўқув-методик ишларни тақомиллаштириш бўйича жиддий чоралар қўришимиз зарур. Иктисодиёт тармоқларининг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегиясини белгилаш, давлат таълим стандартлари ва малака талабларини қайта ишлаб чиқиш, талабаларнинг малакавий амалиётини самарали ташкил этиш лозим, деди Президент.

Учрашувда педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни табақалаштирган ҳолда рағбатлантириш тизимини жорий этиш ҳақида ҳам сўз юритилди. Олий таълим вазирлиги магистратура талабаларини Фанлар академиясининг мос йўналишдаги илмий-тадқиқот институтида стажировка ўтатиши йўлга қўйиш, табиий фанлар ва муҳандислик йўналишларидаги магистратура талабаларини бюджет ҳисобидан давлат бую

юртмаси асосида тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадалари тизимини тақомиллаштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш, хусусан, мамлакат миқёсидаги ғолибларни тегишли мутахассислар буйича магистратурага, халқаро олимпиада ғолибларини эса кейинчалик докторантурага ҳам синовсиз қабул қилиш чораларини кўриш белгиланди. Молиявий барқарор олий ўқув юртиларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма-босқич ўтказиш лозимлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев олим ва педагогларнинг ижтимоий шарoитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувда академиклар, олий ўқув юртилар реktorлари ва талаба ёшлар сўзга чиқиб, таълим тизимида амалга ошириладиган ислохотлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Миллий университети математика факультети 4-босқич талабаси Сардор Бозорбоев ёшлар учун яратилаётган имкониятдан кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, талаба ва ўқувчилар фан олимпиадалари ўтказиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган эътибордан мамнун эканлигини билдирди.

Сардор математика бўйича ўтказилган халқаро олимпиадаларда 4 олтин, биттадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритган.

— Таълим тизимига эътибор самарасини ёшларимиз турли танлов ва халқаро олимпиадаларда қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин, — деди С.Бозорбоев. — Биз, ёшлар яратилган имконият ва илмий-таълим унумли фойдаланиб, юртимиз довурига янада юксалтирамиз, улуг алломаларнинг муносиб ворислари эканлигимизни исботлаймиз.

Президентимиз Сардор каби изланувчан, зукко, билимдон ёшлар юртимиз келажаги эканини таъкидлаб, унга автомашина совға қилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчик дарёси, канал ва коллекторлар соҳилларида ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш ва ҳудудларини ободонлаштириш юзасидан "йўл харитаси" тасдиқланган.

Президентимиз 2018 йил 9 февраль кун Олмазор туманида бўлиб, каналлар бўйини ободонлаштириш, аҳолининг дам олиши учун қулай шарoитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бугун бу ерда кўркам маданият ва маърифат маскани бунёд бўлди. "Дамаш" каналининг 2,5 километр қисми киргизларга бетонлаштирилиб, "Сой бўйи" сайилгоҳи барпо этилди.

Канал киргизги 7 лотга бўлиниб, уларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам ресторанлар, дам олиш масканлари, коворкинг маркази, фитнес клуби ва бошқа бир қатор объектлар ҳамда жаҳонга машхур Эйфел ва Пиза миноралари, Миноран калон, Лувр пирамида ва бош-

қа шунга ўхшаш объектлар макетлари барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари коворкинг маркази ва ундаги тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир пайтлар бу ерлар қандай ташландик жой эди. Ҳаммамиз шундай яшагача ўрганиб қолган эдик. Бир йил ичида қилинган ишлар самарасини кўриб турибмиз. Ободлик бор жойда кут-барак бўлади. Бу ер нафақат хордик чиқарадиган жой, балки маънавият ва маърифат масканига ҳам айланади, деди Шавкат Мирзиёев.

Ободонлаштириш ишлари бўйича буюртмачи — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Бош лойиҳачи — "Prime tower group" МЧЖ. Бош пурадчик сифатида эса "Inter building" МЧЖ иш олиб борди.

Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар, Нурунийлар маскани, "Ёшлар меҳнат гузарии" ҳам аввалги ташрифнинг амалий натижаларидир.

Кутубхона бой китоб фонди ва ахборот технологиялари билан таъминланган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан электрон тарзда боғланган.

Нурунийлар масканида фахрийлар ўз вақтини мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шарoит яратилган.

Давлатимиз раҳбари кутубхоналар ва Нурунийлар масканини кўздан кечирди. Маҳаллий аҳоли вакиллари, оқсодолар билан суҳбатлашди.

Шайхонтоҳур туманидан оқиб ўтувчи "Қатта Қалқаз" каналидан сув оладиган "Дамаш" Олмазор туманининг Нурафшон кўчасини бошлади. Унинг умумий узунлиги 7,36 километри ташкил этади.

Президентимизга "Сой бўйи" сайилгоҳи ва ҳудуд атрофидаги Олтинсой, Қичқирк ва Тараккиёт маҳаллаларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари бу тизимни Тошкент шаҳрининг барча туманларида жорий қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишда илм ва таҳлил асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Канал ва унинг атрофидаги ҳудуднинг озодлиги ҳамда санитария ҳолати Тошкент шаҳар ва Олмазор тумани ҳокимликларининг махсус ишчи гуруҳи томонидан мунтазам назорат қилиб борилади. Хусусан, "Тоша канал" кампанияси тадбирлари бошланганда шун қуна қадар киргиз бўйи ҳудудида 136 ноқонуний қурилмалар аниқланиб, уларнинг 133 таси бартараф этилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олмазор туманига аввалги ташрифи шундай хайрли натижаларга олиб келди. Ишонч билан айтиш мумкинки, галдаги ташриф чоғида белгиланган вазифалар, берилган топшириқлар янада янги марраларни эгаллашга йўл очди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Алоудин ҒАФФОРОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Уза мухбирлари

Sarhisob

Ойлик қандай натижа берди?

Ёшлар иттифоқи тизимини "Ёш оилалар билан ишлаш ойлари" кунига етмоқда. Ўтган вақт мобайнида Иттифоқнинг Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан 50 дан ортиқ маънавий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш тадбири ўтказилди. Ҳўш, натижа қандай?

Аввало, навқирон авлод вакиллари оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда муаммолари ечимида кўмаклашиш мақсадида ойлик доирасида бажарилган ишлар аҳоли томонидан хайрихоҳлик билан қарши олинганини таъкидлаш лозим. Буни туманларда ташкил этилган тадбирларга жами 20 миң нафарга яқин ёш камраб олинганидан ҳам англаса бўлади.

Термиз шаҳрида ажрашишга қа-

дор қилган ўнта оила Ёшлар иттифоқи ҳамда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассислари сазй-ҳаракати билан яраштирилди. Шунингдек, 15 май — Халқаро оила кунига тугулган ўн нафар чақалокнинг хонадонига суюнчилар етказилди.

Иттифоқнинг Бойсун тумани кенгаши томонидан аёлларни касб-хунарга ўргатишга қаратилган лойиҳа амалга оширилди, 50 нафар опа-синглимиз Хунарманлар маркази ҳамда "Умид" хусусий корхонаси фаолияти билан танишди. Улар жанда, олача ҳамда гилам тўқиш сирларидан боҳабар бўлди. Шу хунарларга уқуви бор 8 нафар қиз корхонага ишга қабул қилинди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Prezident tashabbuslari — амалда



(Бошланиши 1-саҳифада).

— Спорт билан шуғулланган инсон иродали бўлади, — дейди спортчи Музаффар Юсупов. — Ақшянда шитирок этаётган болажонларнинг шижоати ва кизкишини кўриб, келгусида Ватан химояси ишончли қўлларда эканига амин бўлидим.

Спортчиларга ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда мамлакатимизда спортни ривож-

лантиришга қўшаётган хиссаси учун ташаккурномалар тақдим этилди. Енгил атлетика бўйича мактаб мусобақасида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларга фахрий ёриқларни чемпионларимиз топширди.

203-мактабда бўлиб ўтган "Нихок қуришда ижтимоий ёш муҳими?" мавзудаги дебатда ўқувчилар "Тасдик" ва "Инкор" жамоаларига бўлиниб, баҳслашди. "Тасдик" гуруҳи қизлар учун 17, йигитлар учун 18 ёшни

турмуш қуриш учун муносиб ёш сифатида химоя қилган бўлса, "Инкор" гуруҳи бунга қарши чиқди. Улар фикрларини ҳаётий мисоллар билан асослади. Фикрлар "жангида" "Инкор" гуруҳининг қўли банд келди.

— Бизга мавзу икки кун олдин маълум қилинди, — дейди 203-мактаб ўқувчиси Комилхон Акмалхонов. — Қисқа муддатда "Оила" кодекси, қатор халқаро ҳужжатларнинг электрон нусхалари ҳамда хоржий тажрибани ўрганишимиз учун интернет манбалари тақдим этилди. Биз устозларимиз ва ота-оналаримизнинг ҳам фикрини ўргандик.

109-мактабда 681 нафар ўқувчи таълим олади. Ўтказилган сўровномалар натижасига кўра, уларнинг 204 нафари маданият ва санъатга, 108 нафари ахборот технологияларига, 212 нафари жисмоний тарбия ва спортга, 157 нафари китобхонликка қизиқиши аниқланди. Ташаббус доирасида спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка, бадий гимнастика, волейбол, китобхонлик, расмлар танлови ва қўл меҳнати асосида яратилган буюмлар кўргазмаси ташкил этилди. Худди шундай тадбирлар 62-, 116- ва 228-мактабларда ҳам бўлиб ўтди.

Мохичебра ОМОНОВА,
Гулаё ИСМОИЛОВА,
Шоира КОМИЛОВА,
ЎзЖОКУ талабалари

Anjuman

АМУДАРЁ қирғоқларидан Зомин тоғларигача

Ёшларнинг ижодий қобилияти ва истеъдодини кенг намойиш этиш, маҳоратини янада ошириш мақсадида ўтказилган “Зомин” семинарининг Хоразм вилояти босқичи ҳудуддаги Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Ўзбе-

шунослик йўналишларига бағишланган семинарда ёш ижодкорлар бадий маҳорат ва ижод сирларига оид зарур тавсиялар олди. Айниқса, Қўчқор Норқобил, Сирожиддин Рауф, Шоди Отамурод каби устоз ижод-



кстон Ёзувчилар уюшмаси ташкил этган мазкур анъанавий семинарда 29 нафар ёш, таникли ёзувчи ва шоирлар иштирок этди. Наср, назм, публицистика, драматургия, бадий таржима, болалар адабиёти, адабий танқид, адабиёт-

корлар билан учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдириди. Тадбир якунида иштирокчилар сертификат, бадий китоблар ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Сумбулой НУРМЕТОВА



Оилалардаги муҳит танқид қилинди

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, ўтган йили юртимизда ФХДЁ органлари томонидан 311,4 мингта никоҳ, 32,3 мингта ажрим қайд этилган. Бундай муаммолар ҳарбийлар оилалари билан ҳам содир бўлмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳар доим ҳам (гоҳида ҳафталаб, ойлаб) оиласи бағрида бўла олмаслиги турли низоҳларни келтириб чиқаради.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Республика маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган “Ҳарбий хизматчилар оилаларини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий, психологик-педагогик механизми” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманида шулар ҳусусида сўз борди. Оила институтини мус-

таҳкамлаш, ҳарбийлар оилалари мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи педагогик-психологик омилларни аниқлаш ва улар билан ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган тақдир ва тавсиялар ишлаб чиқишни мақсад қилган анжуманда мутасадди ташкилот вакиллари, ҳарбийлар ва оиланинг оила аъзолари иштирок этди.

Таъдбирда мутахассислар ҳарбий хизматчилар оилаларидаги муҳитни мустаҳкамловчи маънавий-маърифий ишларга доир илмий тадқиқот натижалари амалиётга суғуриш этилаётганини танқидга олиб, бу борадаги ислохотларни тўлиқ рўйга чиқариш юзасидан керакли тавсияларни берди.

Қамола СОБИТЖОНОВА

Илм-фан интеграциясига бағишланди

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида “Ўқув ва услубий фаолиятда турлош олий таълим муассасаларининг интеграцияси” мавзусида ўқув-услубий семинар ўтказилди.

Таъдбирда ўқув ва услубий фаолиятда турлош олий таълим муассасаларининг интеграцияси, янги йўналишлар буйича ўқув жараёнини ташкил этиш муаммолари муҳокама қилинди.

— Биз замонавий корхоналарда ўз филиалларимизни очганимиз, — деди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқув ишлари буйича проректори Холда Комилова. — Масалан, ўқув жараёнининг бир қисми пойтахтнинг Яшновод туманидаги “BAKAN TEX” ин-кава ишлаб чиқариш фабрикасида ўтказилмоқда. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган фабрикада талабалар хорижий малакали мутахассислардан таълим олиб, амалиёт ўтамоқда.

Рисолат МАДНЕВА

Kayriya



МЕҲР УЛАШ!

Чилонзор туманидаги “Эъзо” тантаналар саройида “Меҳрли кўлар — меҳр улаш!” номи хайрия тадбири бўлиб ўтди. Ногиронлар жамияти ва Ёшлар иттифоқининг худудий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ижтимоий кўмакка муҳтож, соғлиғида нуқсон бор болалар ва уларнинг ота-оналари учун қувонarli ҳодиса бўлди.

Тадбирда туман Ногиронлар жамиятининг 300 нафар аъзоси иштирок этди. Иттифок фаоллари болалар билан турли интерфаол ўйинлар, викториналар ўтказди.

— Ушбу тадбир уч йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинади, — дейди Ёшлар иттифоқи Чилонзор тумани кенгаши раиси Баҳолир Зиёвуддинов. — Чалқидимиз ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандлари ва уларни вояга етказётган ота-оналарга алоҳида эътибор қаратиш, қўллаб-қувватлашдан иборат.

Хайрия кечасида болажонларга эсдалик совғалар берилди.

Дилюза АТОЕВА

Мактаб таъмири учун пул йиғилади(ми)?!

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирилик томонидан “2018-2019 ўқув йили якуни ва истиқболдаги устувор вазифалар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда ўқувчиларнинг ёзги таълини мазмунли ташкил этиш ҳамда келгуси ўқув йилида амалга ошириладиган ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Ўқувчиларнинг ёзги таълини мазмунли ўтказиш, таълим сифатини яхшилаш мақсадида мактабларда синов тарихида пулли тўғарақлар ташкил этилмоқда, — дейди вазириликнинг мактабдан ташқари таълим, спорт ва туризмни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Муроджон Қорабоев. — Шу билан бирга, одатдаги бепул тўғарақлар ҳам фаолият кўрсатади. Бунинг учун биргина Тошкент шаҳридаги 65 та мактабда соғломлаштириш майдончалари ташкил этилди. Пуллик тўғараққа қатнашиш мажбурий эмас. Тўғарақлар ҳақидаги тўлиқ маълумот яқин вақт ичида вазириликнинг расмий сайтыда эълон қилинади.

Анжуманда синф фонди, мактаб таъ-



мири учун пул йиғилиши тўғрисидаги мунозараларга ҳам ойдинлик киритилди. Мутахассислар мактабларда турли баҳоналар билан пул йиғиш ноқонуний эканини яна бир марта таъкидлади. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Эркин Муродов ноқонуний пул йиғишга тўла барҳам бериш учун мактабларда ташкил этилган Кузатув кенгашлари ҳамда ота-оналарни фаол бўлишга чақирди.

Мафтуна ОМОНКЕЛДИЕВА,
Жасур АСКАРОВ

Tanlov “ЁШЛАР ВА ҚОНУН”

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ёшларнинг еттиб фаолиятини ошириш мақсадида Ёшлар иттифоқи томонидан ўтказиб келинаётган “Ёшлар ва қонун” республика танловининг Янгибод тумани босқичи никоҳига етди.

Таълим муассасаларининг 9-11-синф ўқувчиларидан ташкил топган жамоалар турта шарт буйича беланди. Ҳакамлар ҳушасига кўра, биринчи ўринни 12-умумтаълим мактабининг “Ёш ҳуқуқшунослар”, иккинчи ўринни 13-умумтаълим мактабининг “Адолат”, учинчи ўринни 2-умумтаълим мактабининг “Универ” жамоаси қўлга киритди. Гўлиб жамоа вилоят босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Фарҳод УМУРЗОҚОВ,
Ёшлар иттифоқи
Янгибод тумани кенгаши
бош мутахассиси

Nigoh ТАНАЗЗУЛ ИБТИДОСИ



Нуроний келганда хиббонда биронта буш ўриндик қолмаганди. У турган ерида асони икки қўллаб ушлаган кўйи атрофга назар ташлади. Ёғоч ўриндикларни банд этганларнинг аксарияти ёшлар. Отаҳон пиллапоядан оҳиста юриб тушди-да, хиббоннинг энсиз йўлагидан одимлай бошлади.

Нуроний ҳар қалам ташлаганда юзидан нур тобора йўқолиб, чехраси хомуш тортиб борарди. Деврли ҳамманинг қўлида сўнгги русумдаги смартфон. Улар ҳозир шу матоҳ ичига кириб кетадигандек нималаридир томоша қилиб ўтирар, ёш-атрофга ақалли бир қараб қўймади. Мен майса устида ўтириб, нуронийни кузатдим. Атрофдагиларни кўриб, улар робтлар эмасмикан, деган хаёлга бордим.

Ҳамма лоқайд. Ҳеч нимани эшитмайди, кўрмайди, сезмайди. Чамаси уч ёшлардаги қизалоқ пилдираб келди-ю, отаҳоннинг оёғи остида қоқилиб йиқилди. Боласининг чинқириб йиғлаганини

эшитган она ўридан сапчиб турди-да, кизини кўтариб, маҳкам бағрига босганча болани ҳам овутмай, отаҳонга ўшқира кетди. Бирок нуроний унга жавобан ҳеч нима демади. Эҳтимол, гапириб бефойда эканини боя хиббонга нигоҳ солгандаёқ билганди.

Нариги ўриндикларда ўтирганлар ҳамон шу ҳолатда: икки қўлини телефон сатҳидан узмайди, кўзлар матоҳқа қадалган.

Хаёлимдан интеллектуал билимларимиз маҳсули бизни қай томон олиб кетмоқда, деган ўй

ўтади. Наздимда, биз бугундан эртага эмас, кечга қараб юрмоқдамиз. Замонамиз интенсив сурыатда тараккий этмоқда, бирок биз ўзимиз яратган техникага қул бўлиб қолаётганга ўхшаймиз. Бу ривожланиш эмас, аксинча инсоният таназзулининг ибтидоси.

Нуронийни энсиз йўлак алогига етганда, бир оёғини зинага қўйиб, ортига қаради. Кўзларида ёш йилтиради. Ҳа, мен буни аниқ кўрдим. Алаҳусусе, чуқур хўрсинганини ҳам сезди. Ўтирганлар ҳамон ўша ҳолатда эди, менми, улар бир неча дақиқа аввал ёнидан биров ўтиб кетганини ҳам сезмади. Наҳот, қўлимиздаги шу биргина телефон инсоний ҳисларимизни сўриб олаётган бўлса?! Агар бу фикр сизда шубҳа уйғотса, атрофни кузатинг.

Ёши улугларнинг айтишича, халқимиз уруш йилларида бир майини кирк бўлиб еган. Биз-чи?

Катта камчилигимиз — йўқотишларга замин яратиб бераётганимизда. Қўндалик юмушлардан четга чиқиб, ярим соат мураккабга берилмайди. Шундангина бой бераётганларимизни кўрамиз!

Умида САЙЛИЕВА

Bugunning gapı

КИТОБЛАР

Энди йўқ

лалик хотираларим билан боғлиқ китоб дўкони, табиийки, савлат тўкиб туролмасди. Ахир, мутолаадан узоклашган, маънавий эҳтиёжини қондиришга охири даражадаги масала сифатида қарайдиган жамиятда китоб сотиб, ким ҳам барака топади дейсиз?!

Бугунги тадбиркорлар анойи эмас. Даромад келтирадиган ишга пул тикади. Кунда санокли харидор қирадиган дўкони юргизишдан кўра, кўчада чайковчилик қилган афзал. Томоқни ўйлаганлар худди шундай фикрлаши ва айнан шу йўлдан бориши аниқ.

Нима бўлганда ҳам, “Китоблар” энди йўқ. Таассуф!

Ўша кўримсиз, лекин жуда катта маънони берувчи ёзув буткул олиб ташланган. Ўрнида аллақандай илғизча ном турибди. Энди бу ерда мобил телефонлар учун турли эҳтиёт қисмлари ва аксессуарлар сотилмоқда. Дўкон интеръери буткул янгилашиб, кечки пайт ял-ял ёнадиган қилиб қўйилди. Мана сизга реклама!

Миллионлаб одамларни ўз бағрига сиғдирган, аҳолисининг нафакат турмуш тарзи ва маданияти, балки фикру тафаккури билан боғлиқ худудларга намуна кўрсатишни керак бўлган пойтахт азият китоб дўконлари яна биттага қамайганидан жуда афсусдамиз. Махаллаларимизда бундай маънавий масканлари тағ-туғи билан йўқолиб кетиш ўринга, аксинча, қўлайиши ва кенгайиши керак эмасми аслида?

Ҳозир уч яшар жиянимга китоб олиб бериш учун шаҳар марказига йўл оламиз. Базиларга бу малол келиши, бошқалар вақтини қизганиши ёки бошқа бирон баҳона топиши мумкин. Хуллас, масала чигал ва у ҳақда жаддий бош қотириш керак.

Энди, бугеги бозор иктисодиёти, бизнес оламида рақобатта дош берганларгина омон қолади, дейдиганлар бордир ичимизда. Шундайларга қуйидаги маълумотни етказишни лозим билидим.

Жанубий Кореяда таҳсил олаётган бир танишимдан атайини кизикиб сўрадим: “Тараққийнинг юқори чўққисига эришган бу мамлакатда китобга муносабат, ки-

тоб дўконларининг аҳоли қандай?” Жавоб мени ажаблантирди.

— Кореяликлар нафакат бадий асарлар, балки илмий-оммабоқ адабиётларини ҳам кўп ўқийди, — дейди танишим.

Сеулдаги китоб дўконлари шунчалик каттаки, ичиде адабий қолишингиз ҳеч гап эмас. Аксарияти гипермаркетларда жойлашган. Аҳоли гаважум жойларда жамоатчилик кутубхоналари ҳам фаолият кўрсатади. Шовқин-суронга қарамай, оламлар қулай ўриндикларга жойлашиб олиб, китоб мутолаа қилаверлади.

Кўш ҳамма ерда бир хил нур сочди. Инсон қилган ишни инсон қилиши мумкин. Унда нега биз, буюқ алоомаларга бешик бўлган юрт вакиллари китобга ҳурмат, китобхонлик бобида бошқа халқлардан ортда қолганмиз? Китоб дўконларимиз ёпиқса, кутубхоналар анқонинг уруғидек қамайиб кетса-ю, индамай юрaversак, фақат қорин гамида ашасак, ўзимизга жабр-ку! Кейинги авлодлар бундай лоқайдлигимизни кечира олармикан?!


Наргиза УМАРОВА



Muallifga maktub

ODAM QANDAY BUYUK BO'LADI?

"Assalomu alaykum, Mohandas Karamchand Gandi. Bolaligimda bobom siz haqingizda ko'p gapirardi, maktabda tarix o'qituvchimiz bot-bot eslardi. To'g'ri, o'sha vaqtlarda siz men uchun o'rganish qiyin bo'lgan tarix fanining oddiygina qahramoni edingiz..."



Yaqinda bir do'stim "Mening hayotim" nomli kitobingizni sovg'a qildi. Kitobning ilk sahifalari menga tushunarsizdek tuyulgan. Mutolaa jarayonida shunga amin bo'ldimki, sizni va sizning hayotingizni tushunish uchun qunt va salohiyat kerak ekan.

Chunki o'smirligingizda yoq Hindistonni mustaqillikka olib chiqishni o'ylagan ekan-siz? Siz olg'a surgan ta'limot insoniyatga ibrat bo'ldi. Tarixga nazar tashlaydigan bo'lsak, mehr-muhabbat hamisha yovuzlik ustidan g'alaba qozongan. Demak, siz olg'a surgan — kuch ishlatmasdan qarshilik ko'rsatish siyosati ham bir kun o'zini oqlashi aniq edi. Savollar ko'p.

Nega aynan advokatlik kasbini tanlagansiz? Nega taqdir sizni Afrikaga yo'naltirdi? Chunki nur bor joyda soya bo'ladi. U yerdagi tartibsizlik, millatchilik, yovuzlik va jaholat — bu bir soya edi. Siz esa — nur.

Angliyaga ketishdan oldin onangizga bergan va'dangiz esingizdami? Taqdir taqozosi bilan eng qaltis vaziyatlarda ham bu ontni buzmaganingiz sizning keyingi hayotingizda erishgan yutuqlaringiz asosi, meningcha. Hayotda o'z yo'lini topish kamdan-kam insonlarga nasib etadi. Afsuski, hamma ham bu yo'lda sobit turlmaydi. Farzandingiz Manilalning betob bo'lib qolgan-chi? Yoki rafiqangiz... Har ikki holat

da ham taqdir sizni og'ir sinovdan o'tkazdi. Bir tomonda vijdon amri, bir tomonda otalik mehri.


Shu vaziyatda siz qanchalik qiynalgan bo'lsangiz, men ham kitobni shunday xavotir bilan o'qidim. Ilk bor ochlik e'lon qilganingizda ham shu ahvolga tushdim. Dastlab bu menga telbalikdek tuyuldi. Chunki inson har qanday vaziyatda ham o'z jonini qadrlashi kerak, deb o'ylardim. Axir hayotga bir marotaba kelamiz. Biroq buyuk ishlar qilish, yurtga, insoniyatga

naf keltirish uchun, kerak bo'lsa, jondan kechish lozim ekan!"

Maktubimni shu yerda yakunlab, o'ylab qoldim, odamlarni nima buyuk qiladi? Nega biz aksariyat holda ko'zlagan maqsadimizga yetolmaymiz?

Bu savollarning javobini topish uchun Gandi hayotini o'rganish kerak, meningcha.

Karim ZARIPOV



Fotofakt

DARSLARGA KECHIKMASLIK UCHUN



Yoshlar ittifoqining Kegeyli tumani kengashi uch nafar kam ta'minlangan oila farzandiga velosiped sovg'a qildi. Endi 5-, 21- va 27-umumta'lim maktablari o'quvchilari — Asilbek Abatbayev, Gulshad Muratbayeva hamda Gulsalo'ir Turdimuratova darslarga qiyinlab borib keladi.

— Maktab uyimizdan 7 kilometr uzoqda joylashgan, — deydi Gulshad. — Piyoda qatnashga ko'p vaqt talab qilinadi. Transport esa muammo. Velosiped juda munosib sovg'a bo'ldi. Ittifoqqa katta rahmat! Endi maktabga kechikmay boraman!

Indira MAMBETNAZAROVA

Dildagi gaplar

Bekatta o'tirsam, ochiq-sochiq kiyingan, poshnasining balandligidan bo'yi bekat shiftiga tegay deb turgan, sochlari yoyilgan qizlar suhbat quryapti:

— Bilasanmi, Azi, ingliskiydan "IELTS" darajasiga harakat qilyapman. Russkiydan voxim to'ri kemiydi, o'shan-chun, poka, bittasini o'rganib turib...

Orada o'sha "olifanta o'yim"ning telefoni kamida o'n marotaba jiringladi, oxiri: "Shas podajdi, mam telefon qilyapti", deganicha tortinibgina qo'ng'iroqqa javob berdi:


— Alo, ayajon, assalomu alaykum, yaxshimisizlar? Uydagilar tinchmi?... Mayli, xo'p, bovam va enamga salom deb qo'ying...

Uydagilari bilan muloyimgina gaplasha-

digan bu qizning boyagi ahvolini ota-onasi ko'rsa, ne ko'yga tushar ekan-a?!

Qizim birovdan kam bo'lmasin, deb ter to'kayotgan ota, ro'zg'ori va go'daklarining rizqini qiyib, sandiqning bir chetiga qizimga deb sep yig'a boshlagan, bir olam orzu-niyatlar bilan yashayotgan xokisor ona...

Meningcha, ayrim zamonaviy o'pasingillarimiz falon pul to'lab, chet tili-ni o'rganishdan avval "O'tkan kunlar", "Mehrobdan chayon", "Qutlug' qon", "Kecha va kunduz"larni o'qib, uqib olsa, durust bo'lardi. Chunki ona tiliga mehr



qo'ymagan, o'z tiliga hurmatsizlik qilgan odamga boshqa tillar ma'nolar bulog'idan suv bermaydi, o'rgangani yuqmaydi.

Kuzatsangiz, bunday holatlar atro-fimizda ko'p uchraydi. Bir kuni ka ta'mi og'zidan ketmay, o'zidan "zamonaviy" odam yasab olganlarni hech tushunmayman.

Abdulaziz AHMEDOV

Ibrat

Talabalik bebaho davr, katta hayot estonasiga qo'yilgan ilk qadam. Hayotning achchiq-chuchugini ta'tib, sinovlarda toblanasiz. Bu yashashga undaydi. Ba'zan shunday voqealar yuz beradiki, undan ibrat olib, xulosa chiqarasiz. Qarashlaringiz o'zgaradi...

Qo'ng'iroq chalindi. Hamma shoshilib xonaga kirdi. Bugun Gulnora opa qanday mavzuda dars o'tar ekan, deb zo'r qiziqish bilan kutardik. Aksiga olib, oraliq nazorati olinar ekan. Ammo oraliq nazoratini noan'anaviy tarzda qabul qilishini eshitib, quvonib ketdim. Vazifa shunday: kursdoshlardan birini tasvirlash, yozgan ta'rif-u tavsifingiz orqali auditoriyadagilar u kim ekanini topishi lozim.

Barcha yozishga tushdi. Hamma bir-biriga mug'ambirona qarab, ko'z qisadi. Men guruhdagi o'zim unchalik xushlamaydigan o'g'il bolalardan birini tasvir-

UNGA ACHINIB QARARDIM...



lashga kirishdim. "Mana endi mendan ko'rasan", deya kaftlarini bir-biriga ish-qaladim.

Durdona va Gulbahor "Juu kimga tushdi?" — deya tinmay kulardi. Ular doimgidek Aziza ismli jismoniy nuqsanli kursdoshimni mazax qilardi. Aslida ular yomon qizlar emas, biroz sho'xligi bor. Guruhdagilarga laqab qo'yish, kiyimlarini tanqid qilishni juda yaxshi ko'radi.

Aziza g'alati qiz, atrofdagilardan o'zini olib qochadi, hech kimga qo'shilmaydi. Qo'lidagi telefoni uning yagona ovun-chog'i. Unga siqilish mumkin emas, lekin

shunga qaramay, guruhdagilar bechora-ginani tinimsiz mazax qilib, yerga urishga harakat qiladi. Hayotda hech kim mukamal emas. Aksincha, biz shu kabi insonlar-ga mehribon bo'lishimiz, qo'limizdan kel-guncha yordam berishimiz kerak emasmiz? Aksariyat kursdoshlarim unga achinish bilan qarardi.

Shu tarzda belgilangan vaqt tugadi. Hamma yozib bo'ldi. Birin-ketin o'qish-ni boshladik. Ammo guruhda ko'pchilik bo'lganimiz uchun barchaga vaqt yetmadi. Menga ham.

Dars yakunlangach, hamma bir-biri-

dan kimni ta'riflaganini so'rashga tushdi. Durdona qitmirlik qilib, Azizadan: "Siz kimni ta'rifladingsiz?", deb so'rganida u: "Sizni", deb javob berdi. Durdona hayron bo'lib: "Rostdanmi, maqtadingizmi yoki yomonladingsizmi?", deb kinoya qildi. Aziza indamay kulib qo'ydi. Qiziqib, o'qib ko'rish uchun xatni oldim. Bor dardini to'kib solgan bo'lsa kerak, "Nima uchun ustimdan kulasiz, qaytar dunyo deb qo'yibdi, qo'rqmaysizmi?!" — degan mazmundagi fikrlar bor, deb o'yladim.

Yo'q, o'qiganim sari hayajondan bo'g'zimga nimadir tiqlardi. U ta'rifni Durdonaning samimiyligidan boshlagan, quvnoqligi, chiroyli va mehribonligi, uni hurmat qilishini aytgandi. So'zi yakunida Durdonaga baxt tilabdi.

Nahot inson qalbi shu qadar sof va keng bo'lsa! U yarim ko'nglini doimo sindirish-ga uringan, qalbiga ozor bergan insonni hurmat qilar ekan. Zaf bo'lishiga qaramay, yuragi mehr-muhabbatga to'la. Unga nisbatan hurmatim yanada ortdi.

Azizaga avvallari qanchalik rahmim kelgan bo'lsa, endi o'zimning ahvoli-mizga shunchalik achinib ketdim...

Yuqoridagi voqea menga saboq bo'ldi. Insonlar haqida xulosa chiqarishdan avval uning ichki dunyosiga nazar tashlash kerak ekan.

Dilfuza ASHURBOYEVA

MEN QISHLOQDAN KELGANMAN!

O'qing, bu qiziq!

Yer va osmon o'rtasidagi masofa nihoyatda katta. Shu bois samolyot ichida o'tirgan kishiga u juda sekin uchayotgandek tuyuladi.

Yo'lovchi avialayneri Yerdan taxminan 10 kilometr balandlikda parvoz qiladi. Samolyot soatiga o'rtacha 700-900 kilometr tezlik bilan harakatlangan taqdirda daqiqa o'tmay osmonga ko'tariladi.

Avtomobilning harakatlanish tezligi samolyotnikdan taxminan 10 baravar kam. Oynadan tashqaridagi manzara bir soniya ichida bor-yo'g'i ikki marta o'zgaradi. Parvoz vaqtida esa unday emas. Shu sababli havo kemasi avto-



mobilga qaraganda juda sekin harakatlanayotgandek tuyuladi. Biroq qo'nish chog'ida, ya'ni samolyotning tezligi naq 3 baravarga kamayganda bunday tasav-vur darhol yo'qoladi.

MU'ASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI


Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,
Mehrinov Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"),
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Molodozh' Yzbekistana"),
Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Molodozh' Yzbekistana")

Navbatchi
Ma'mura
XO'JAQULOVA

Dizayner
Xurshid
ABDULLAYEV

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97,
(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-513
Adasi — 21170

Boshiga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 01.50
O'ZA yakuni — 01.20